

## Адабиётшунослик илмида биринчи бор Навоий ғазаллари математик таҳлил асосида ўрганиб чиқилди



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 578 йиллиги муносабатига бағишланган тадбирда академик Абдулла Аъзамнинг “Муножотнома” номли китоби тақдими ҳам ўтказилди.

– Абдулла Аъзам адабиётшунослик илмида биринчи бўлиб Алишер Навоий ғазалларини математик таҳлил асосида ўрганиб чиқди. Китобда Алишер Навоийнинг насрий муножоти талқин қилинган, – дейди ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад.



Дарҳақиқат, китобда Алишер Навоийнинг “Муножот” асари кенг ўқувчилар оммасига таҳлилий услубда тақдим этилган. Шу мақсадда “Муножот”нинг ўзига хос вазни ва қофиясига эътибор қаратилади, анча эркин талқин қилинган шарҳлар, изоҳлар ва айрим қўшимча маълумотлар келтирилади. Китобда Навоий асарини мустақил ўқиш

кулай бўлиши учун лугат ва шарҳлар “Муножот”га тегишли бандлари билан ёнма-ён жойлаштирилган.



Шунингдек, тадбирда “Эл нетиб топгай мениким...” номли адабиётларнинг очик кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Унда Алишер Навоий асарларига шарҳлар, унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига, фалсафий фикрларига оид турли йилларда чоп этилган китоблар, бобомизнинг дунё тилларига таржима қилинган асарлари, ҳикматлари намоиш қилинди.



*Озода Бекмуродова*